
Вилоят прокурор сайёр қабули

Фарғона вилоят и прокурори Бахтиёр Ахмаджонович Исмоилов Бешариқ туманида сайёр қабул ўтказилди.

1-касб –хунар мактабида ўтказилган сайёр қабулда 33 нафар фуқаро қабул қилинди. Унда иштирок этган фуқаролар асосан иш билан таъминлаш, кредит олиш, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш, алимент ўндириш масалаларида мурожаат қилдилар. Масалан, Янги хаёт маҳалла фуқаролар йиғинидан Наргиза Умарова тадбиркорлигини йўлга қўйиш мақсадида тикув машинасини олиш учун ёрдам сўради. Шу ернинг ўзида унга замонавий тикув машинаси совға қилинди. Шунингдек, Янги Қашқар маҳалла фуқаролар йиғинидан Моҳидил Аҳмедова ва яна тўрт нафар қизларга тикув машиналари топширилди. Дилнавоз Мамадалиевага 52 мактабгача таълим ташкилотига ишга жойланди.

Сайёр қабулдан сўнг Навбахор маҳалласида истиқомат қилувчи Шахноза Эхсонованинг хонадонига ташриф буюриб, унинг оилавий аҳволи ҳолати ўрганилди. Ш.Эҳсоновага озиқ-овқат маҳсулотлари ва тикув машинаси берилди.

Мурожаатлар жойининг ўзида тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида ҳал этилди.

2021-08-07 15:53:14